



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 9-may, juma,
54-55 (24.080-24.081)-son

O'zbek xalq
maqoli

Vatanning
tinch -
sen tinch

1913-yil aprel oyidan chiqib boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz



XOTIRA – ABADIY, QADR – MUQADDAS

Xotira va qadrlash kuni va Ikkinchi jahon urushidagi g'alabani 80 yilligi munosabati bilan kecha Samarqand shahridagi Xotira maydonida Motamsaro ona haykali poyiga gullar qo'yildi.

Tadbirda viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboyev, harbiylar, huquq-tartibot idoralari, davlat va jamoat tashkilotlari rahbarlari, nuroniylar va yoshlar vakillari ishtirok etdi.

Insoniyat uchun cheksiz azob-uqubatlarga keltirgan Ikkinchi jahon urushida 152 mingdan ortiq samarqandliklar ishtirok etgan. Ularning 73 ming nafari ona yurtiga qaytmagan. Xotira maydonidagi lavhalarda bu fidoyi insonlar nomi qayd etilgan.

Marosim qatnashchilari yurtimiz tinchligi, xalqimiz osoyishta hayoti uchun jonini fido qilgan insonlarni xotirlab, ularning jasoratini yodga oldilar.

Tadbir davomida Milliy gvardiya qo'shinlari paradi va ko'rgazmali chiqishlari namoyish etildi.



Baxtiyor MUSTANOV.

Shundan so'ng viloyat rahbari Urgut tumanida yashovchi Ikkinchi jahon urushi qatnashchisi Bo'ron Gadoyev xonadoniga borib, otaxoniga davlatimiz rahbarining tabrigi, pul mukofoti va esdalik sovg'alarini topshirdi.

Adiz Boboyev Bo'ron boboga Prezidentimiz tabrigini o'qib eshittirdi. Shuningdek, viloyat hokimligining faxriy yorliq va sovg'alarini taqdim etdi. "Ikkinchi jahon urushidagi g'alabani 80 yilligi" yubiley medali topshirildi.

Dasturxon atrofida kechgan suhbat davomida Bo'ron Gadoyev singari yurtdoshlarimizning Ikkinchi jahon urushida ko'rsatgan jasorati e'tirof etildi, qonli janglarda vafot etganlar yodga olindi.

Bo'ron bobo ko'rsatilayotgan yuksak hurmat, ehtirom uchun minnatdorlik bildirdi va yurtimizdagi tinchlik barqaror bo'lishini tilab duo qildi.

Viloyatimizdagi mehnat fronti qatnashchilariga ham pul mukofoti hamda yubiley medali topshirildi.

Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайд

Шу йилнинг 19 февраль кuni давлатимиз раҳбари "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармон ва "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида"ги қарорни имзолаганди.



Фармонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига 10 минг АҚШ долларидан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларнинг ҳар бирига 25 миллион сўмдан, 1941–1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат fronti қатнашчиларининг ҳар бирига эса 3 миллион сўмдан пул мукофотлари берилиши белгиланди.

Бир неча кундан сўнг эса Президент фармони билан "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги" эсдалик юбилей медали таъсис этилди.

Ўша пайтда вилоятимизда 4 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 263 нафар фронторти меҳнат фахрийси ҳаёт кечираётганди.

Афсуски, орадан икки ойдан кўпроқ вақт ўтиб, уруш қатнашчилари сони яна икки нафарга, фронторти меҳнат фахрийлари 11 нафарга камайд

Бўрон Гадоев ва Аҳад Очилов – бугун Иккинчи жаҳон урушининг Самарқанддаги тирик гувоҳлари, ўша олис ва оғир йилларни ўз тақдирида, танасида ҳис қилган инсонлар, икки асрни кўрган ва асрга тенгдош отахонлар.

Бўрон Гадоев 1925 йилда Ургут туманидаги Испанза маҳалласида туғилган. Урушга 1943 йилда 18 ёшида юборилган. 7-Белоруссия frontiда хизмат қилган. 3 йил давомида 91-ин-

женерлик қўшинида бўлим бошлиғи бўлган.

1946 йилда хизматдан қайтиб, ҳаётини педагогика соҳасига бағишлаган. 5 нафар фарзандни вояга етказган. Ҳозирда юздан ортик невар

– Қарийб эллик йил муаллимлик қилдим, мактабни бошқардим, ёшларга таълим-тарбия бердим, – деганди Бўрон бобо. – Худога шукр, барча соҳаларда ишлайдиган шоғирдларим кўп. Йўқлаб туришади, хурсанд бўламан. Шоғирдларимга, бугунги ёшларга кўп айтаман-да: бундай тинч-хотиржам замон ҳеч қачон бўлмаган. Ўзим ҳам ҳар кuni Яратгандан тани сихатлик, хотиржамлик сўрайман. Бошқа нарсаларга меҳнат билан эришиш мумкин. Лекин танингиз соғ бўлмаса, уйда, юртда хотиржамлик бўлмаса кўнгилга ҳеч нарса сиймайди-да. Хотиржамлик учун бугун ҳамма ҳамжихат бўлиши керак.

Аҳад Очилов 1925 йилда Самарқанд туманидаги Саховат маҳалласида туғилган. 1942 йилда урушга кетган. 2-Украина frontiда жангларда қатнашган. Урушдан кейин Аҳад Очилов ҳам таълим соҳасида меҳнат қилган. 1949 йилдан 2006 йилгача Самарқанд туманидаги 3-урта мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатган. Умр йўлдоши Зу-байда Очилова билан уч ўғил, уч қизни камолга етказган.

(Давоми 3-саҳифада) >>>

Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 14-dekabrda "Davlat mulkini ijaraga berish tartibini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi qarori bilan tasdiqlangan Nizomda davlat mulkini ijaraga berish tartiblari belgilangan. Ushbu nizom va boshqa normativ-huquqiy hujjatlar talablariga ko'ra, joriy yilning o'tgan davrida viloyatda umumiy maydoni 143 408,6 kvadrat metr bo'lgan davlat mulki obyektlarining bo'sh turgan qismlari (xonalari) 1001 ta lotga bo'lingan holda boshlang'ich 19,4 milliard so'mlik narx bilan ijaraga berish uchun auktsion savdolariga chiqarildi. Umumiy maydoni 111 470,6 kvadrat metr bo'lgan 845 ta obyektsiya uchun tadbirkorlar tomonidan yutib olingan va 25 milliard so'mlik ijar

Davlat mulkini ijaraga oluvchilar uchun yengilliklar beriladi

imzolandi. Prezidentimizning 2025-yil 21-apreldagi "2025-yil uchun xususiy lashtirish dasturi to'g'risida"gi farmonida davlat mulkini ijaraga berishni takomillashtirish maqsadida: - yillik ijar

dolarida ijaraga berilmagan obyektlarning boshlang'ich narxi 50 foiz pasaytirilishi belgilanadi. Bunda auktsionda bir ishtirokchi qatnashgan taqdirda ham, istisno tariqasida u o'tkazilgan, deb hisoblanadi.

Abduvohid YANGIBOYEV, Davlat aktivlarini boshqarish agentligi huzuridagi Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markazining viloyat hududiy boshqarmasi boshlig'i.

Samarqandga kelgan Polsha Respublikasi parlamenti Senati raisining o'rinbosari Mixal Kaminskiy viloyat hokimi o'rinbosari Rustam Qobilov bilan uchrashdi.

Uchrashuvda tomonlar o'zaro hamkorlik aloqalarini yo'lga qo'yish bo'yicha takliflarini bildirdilar.

– Polsha bilan aloqalarimiz birmuncha samarali yo'lga qo'yilgan, – dedi viloyat hokimi o'rinbosari R. Qobilov. – Ko'pchilikka ma'lum, Ikkinchi jahon urushi vaqtida minglab polshaliklar yurtimizdan qo'nim topgan. Viloyatimizda bugungi kunda polyak millatiga mansub 120 nafar fuqaro istiqomat qilmoqda. Ularning milliy urf-odat va an'analari davom ettirishlari uchun barcha sharoitlar yaratilgan, "Polonez" polyaklar milliy madaniy markazi faoliyat yuritmoqda. Xalqlarimizning o'zaro aloqalarini bardavom qilish uchun, eng avvalo, madaniy aloqalarini mustahkamlash birlamchi vazifa deb hisoblayman. Shu maqsadda joriy yilning iyun-iyul oylarida Polshada Samarqand kunlarini tashkil etish taklifini bildiraman.

Mixal Kaminskiy ham tashrifdan asosiy ko'zlangan maqsad ijtimoiy-iqtisodiy hamkorlikni yo'lga qo'yishdan iborat ekanligini ta'kidladi.

– Samarqand kunlari madaniy dasturlarini



o'tkazishni men yuz foiz qo'llab-quvvatlayman, – deydi Mixal Kaminskiy. – Yurtdoshlarimizning asosiy turistik yo'nalishlari Gruziya, Armaniston va boshqa davlatlarga qaratilgan. Bu ro'yxatdan O'zbekiston joy olishi shart. Chunki xalqlarimiz bugungacha o'zaro bir-biriga mehr-oqibat ko'rsatgan. Bu bundan keyin ham davom etishi kerak. Bugun Polshada ko'plab o'zbekistonliklar mehnat qilishmoqda. Eng muhimi, o'zbekistonliklarga bizda hurmat va e'tibor o'zgacha. Shu bois biz 25 yoshgacha bo'lgan o'zbekistonlik yoshlar uchun

alohida imtiyozlar yaratdik. O'qish bilan birga hech qanday to'siqsiz ishlash yo'lga qo'yildi. Bunday imkoniyatlarni yanada kengaytirishimiz mumkin. Muloqot davomida oliy ta'lim, mehnat migratsiyasi, tibbiyot, turizm sohalaridagi hamkorlik aloqalari istiqbollari haqida atroflicha fikr yuritilib, tomonlar o'z tashabbuslarini bildirishdi. O'rta maxsus kasb-hunar markazlarida tayyorlanayotgan mutaxassislar kelgusida polyak tilini o'rgatish borasida hamkorlikdagi o'quv kurslarini tashkil etish taklifi bildirildi.

Turkiya Respublikasi Mehnat va ijtimoiy himoya vaziri Vedat Ishikhan boshchiligidagi delegatsiya Samarqandga tashrif buyurdi.

Mehmonlar dastlab Samarqand shahridagi Xalqaro turizm akademiyasi faoliyati bilan tanishdi. Akademiyada tayyorlanadigan mutaxassislar, yaratilgan sharoitlar haqida ma'lumot berildi.

Shu yerda viloyatimiz rasmiylari bilan uchrashuv bo'lib o'tdi.

Uchrashuvda tomonlar o'zaro hamkorlik aloqalarini rivojlantirish istiqbollari bo'yicha fikr almashildi. Muloqot yakunida Samarqand va Gaziantep shaharlari o'rtasida hamkorlik memorandumi imzolandi.

– Samarqand va Gaziantep shaharlari o'zaro bog'liq tomonlari juda ko'p, – deydi Gaziantep shahri hokimi Fatima Shahin. – Ikkala shahar ham Buyuk Ipak yo'lining eng muhim nuqtalaridan hisoblanadi. Gaziantep Samarqand kabi tarixiy shahar bo'lib, turizm sohasida mamlakatda muhim o'rin tutadi. Shahrimiz Yevropa yashil shaharlari orasida o'z o'rniga ega.



Samarqandga kelib, birinchi e'tibor qaratgan jihatim aynan yashillik darajasi bo'ldi. Bu ikki shahar o'rtasida hamkorlik aloqalarining mustahkamlanishi tomonlar uchun birdek manfaatli bo'ladi. Bugun Samarqand shahri hokimi Fazliddin Umarov bilan shaharlarimiz o'rtasida ta'lim, tibbiyot, turizm yo'nalishlarida istiqbolli hamkorlikni amalga oshirish bo'yicha bitim imzoladi. O'ylaymanki, bu hamkorligimiz kelgusida yanada rivojlanib, barcha sohalarda uzviy aloqalar o'rnatilishiga xizmat qiladi. Tarixan bir bo'lgan xalqlarimizning yanada yaqinlashuvini ta'minlaydi.

Alisher ISROILOV.

SAMARQAND MEHMONLARI

Vazirlar Mahkamasi tomonidan “Paxtachilikda yuqori samarali intensiv agrotexnologiyalarni qo‘llash va xorijiy g‘o‘za navlari maydonlarini kengaytirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaror qabul qilingan. Shuningdek, Qishloq xo‘jaligi vazirligining 2025 yil 27 yanvardagi topshirig‘i bilan paxtachilikda intensiv ekish sxemalaridan foydalanishni kengaytirish va qo‘shimcha ko‘chat hisobiga hosildorlikni oshirish belgilangan. Shu maqsadda qator oralig‘i 90 santimetrli sxemada ekishdan voz kechib, 60 santimetrli sxemada ekishni bosqichma-bosqich kamaytirgan holda 76x10 santimetrli (qo‘shqator, 240 ming ko‘chat) va 76 santimetr (yakkaqator) sxema usulida ekishni tashkil etish topshirilgan.

Qo‘shqatorga qaytish

Xitoy navlari va maydonning qisqarishi paxtachilikda bir qator o‘zgarishlar bo‘ldi



ViLOYATIMIZDA joriy yilda 1858 fermer xo‘jaligi 60 ming gektar maydonda chigit ekmoqda. Paxta ekiladigan maydon dehqon xo‘jaliklariga ajratilgan yerlar hisobidan o‘tgan yilga nisbatan 12 ming gektarga kamaydi.

Paxta maydonining 10713 gektari xorijiy (Xitoy) intensiv agrotexnologiyalari asosida 76x10 santimetrli qo‘shqator sxemada, qolgan 49287 gektari 76 santimetrli yakkaqator sxemada ekildi. Qo‘shqator sxemada ekilgan maydonlarning 9340 gektarida xorijiy hamda 1373 gektarida mahalliy g‘o‘za navlari parvarishlanadi. Chunki qo‘shqator sxemada ekilgan maydonlarda g‘o‘za tup soni yakka qatorga qaraganda ikki barobar ortiq bo‘ladi va bu hosildorlik ortishiga xizmat qiladi.

Ma‘lumot uchun, xorijiy navlardan asosan “Xin-LuZao-78” navi ekildi va bu navning o‘sov davri taxminan 115-120 kun,

76x10 santimetr qo‘shqator sxemada ekilganda, o‘rtacha ko‘chat soni gektariga 195-210 mingtagacha, hosildorligi gektariga 60-70-80 sentnergacha, ko‘sakdagi paxta og‘irligi 5-6 gramm, tola chiqimi 43-43,3 foizgacha bo‘ladi. Yana “Fusarium vilt” va “Verticillium vilt” kasalliklariga chidamli bo‘lganligi uchun shu navlar tanlandi.

Xitoyning “Tian E Plastik” kompaniyasi bilan “Maroqand Sifat Tekstil” mas‘uliyati cheklangan jamiyati o‘rtasida tuzilgan shartnomaga asosan 100 ta 76x10 santimetrli qo‘shqator sxemada chigit ekadigan seyalka hamda “O‘zagrolizing” AJ tomonidan 40 ta 76x10 santimetrli qo‘shqatorli sxemada chigit ekish seyalkalari olib kelindi va fermer xo‘jaliklariga yetkazib berildi.

Toyir DUVLANOV,
viloyat qishloq xo‘jalik boshqarmasi shuba boshlig‘i.

Prezidentimizning 2022-yil 2-fevraldagi “Madaniyat va san‘at sohasini yanada rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorida, 2022-2023-o‘quv yilidan boshlab umumiy o‘rta ta‘lim muassasalarida o‘quvchilarga milliy musiqa cholg‘ularidan kamida bit-tasini chala olish mahorati o‘rgatilishi va bu ularning shahodatnomasida qayd etilishi belgilangan. Ammo...

QARORDA BOR, AMALDA ESA...

Past Darg‘om tumanidagi umumta‘lim maktablarida tashkil etilgan sport, madaniyat va san‘at to‘garaklari faoliyati bilan tanishdik.

Tumanning Oqoltin mahallasidagi 51-maktabda 58 nafar o‘qituvchi 855 nafar o‘quvchiga dars o‘tadi. Shundan bir nafari musiqa fani o‘qituvchisi.

– 10 yildan beri shu maktabda o‘quvchilarga dutor chalishni o‘rgatib kelyapman, – deydi Sohiba Valiyeva. – O‘quv ish rejasiga muvofiq, musiqa darsi faqat 1-7-sinf o‘quvchilariga o‘tiladi. Maktabimizga yetti turdagi 14 ta cholg‘u asbobi berilgan bo‘lib, darsdan tashqari, xor, folklor, cholg‘u sozlari bo‘yicha ham to‘garaklar tashkil etilgan. O‘quvchilarimning qiziqishiga qarab ularga chalishni o‘rgatypman. Hozir 20 nafarga yaqin shogirdim cholg‘u asboblari mukammal chaladi. Ular tuman, viloyat, respublika ko‘rik-tanlovlarida g‘olib va sovrindor bo‘lishgan. Prezident qaroriga ko‘ra, o‘quvchilar milliy musiqa cholg‘ularidan kamida bittasini chalishni bilishi va bu ularning shahodatnomasida ko‘rsatilishi belgilangan. Biroq sha-

Past Darg‘om tumani Mirzato‘p mahallasida yashovchi Norbiyi Imomova pensiyada. Ammo mahallada u kishining tomorqachilik madaniyatiga ko‘plarning havasi keladi. Hovlisidagi issiqxonadan yiliga uch marta hosil oladi, shunga yarasha daromad qiladi.
- Uy-joydan tashqari 6 sotix yerimiz bor, - deydi Norbiyi Imomova. - 2 sotixida issiqxona qurganmiz. Hozirgi paytda sabzi ekilgan. May oyining oxirlarida to‘liq yetiladi. Sabzni o‘rniga bodring ekiladi. Oktyabr oyining oxirida bodringni joyiga sarimsoq ekip parvarishlaymiz. Tomorqaga ekiladigan pomidor, bulg‘or qalampiri, baqlajon kabi ko‘chatlarni bozordan sotib olmaymiz. Aksincha, o‘zimiz yetishtirib, ehtiyojdan ortganini bozorga chiqaramiz.

Baxtiyor MUSTANOV olgan surat.



Maktabda cholg‘u asboblari yetarli mi?



hodatnomalarga haligacha musiqa fani kiritilgani yo‘q.

Ma‘lum bo‘lishicha, 9-sinfni bitirgan maktab o‘quvchilariga beriladigan shahodatnoma Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligi tomonidan shakllantiriladi, o‘qituvchilar esa kiritilgan fanlarga qarab, o‘quvchilarni baholaydi. Bundan ko‘rinadiki, oradan uch yil o‘tgan bo‘lsa-da, qaror ijrosi haligacha ta‘minlanmagan.

Darvoqe, ushbu maktabda 6 ta sport turi bo‘yicha to‘garak tashkil etilgan bo‘lib, uch nafar jismoniy

tarbiya fani o‘qituvchisi tomonidan mashg‘ulotlar olib borilmoqda. Muassasaga qarashli sport zalda 2018-yil davlat dasturi asosida ta‘mirlash ishlari boshlanib, 2021-yilda 200 million so‘mlik ishlar bajarilgan va qurilish-ta‘mirlash ishlari chala tashlab ketilgan. Ayni paytda sport zalning issiqlik va xavfsizlik tizimi, kiyinish va yuvinish xonalariga havas qilib bo‘lmaydi.

Tumanning Sanchiqul mahallasidagi 123-maktabda 440 nafar o‘quvchi tahsil oladi. Maktab direk-

tori Elyor Tirkashevning ta‘kidlashicha, muassasada sport va madaniy to‘garaklar tashkil etilgan. Lekin sport jihozlari va milliy cholg‘u asboblari yetishmaydi.

– Keyingi ikki yilda maktabga faqat to‘p berilgan bo‘lsa, joriy yil boshida 12 ta yaroqsiz musiqa asbobi tarqatildi, – deydi E.Tirkashev. – O‘quvchilarimiz faqat futbol o‘ynash, yengil mashqlarni bajarish yoki bitta-ikkita soz chalish bilan chegranlanmoqda. Ular orasida chempionlar, xalq artistlari bo‘lishni orzu qilayotganlari bor. Lekin o‘quvchilar qo‘llab-quvvatlamasa, sharoit yaratib berilmasa, yaxshi natijaga qanday erishish mumkin?

Charxin mahallasidagi 55-maktabdamiz. 700 o‘ringa mo‘ljallangan muassasada 1340 nafar o‘quvchi ikki navbatda tahsil olmoqda. Maktab direktori G‘ayrat Vohidov berilayotgan sport jihozlari va musiqa asboblari yetishmasligi, ularning o‘rni homiylar yordami bilan to‘ldirilayotganini ta‘kidladi. Jumladan, ayni paytda muassasaga qarashli sport zal maktab jamoasi va homiy-lar ko‘magida ta‘mirlanmoqda.

Xullas, Past Darg‘omdagi biz ko‘rgan umumta‘lim maktablarida tashkil etilgan sport, madaniyat va san‘at to‘garaklarida holat shunaqa. Tizimdagi muammolar va yoshlarning kelajagi mas‘ullarni bee‘tibor qoldirmaydi degan umiddamiz.

Fazliddin RO‘ZIBOYEV.

Viloyat prokuraturasi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2025-yilda respublika mahallalarida xavfsiz muhitni yaratish va huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish tizimi samaradorligini yanada oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori hamda shu yil 5-mart kuni o‘tkazilgan korrupsiyaga qarshi kurashish milliy kengashi yig‘ilishida davlatimiz rahbari tomonidan berilgan topshiriqlar ijrosi yuzasidan olib borilayotgan ishlarga bag‘ishlangan matbuot anjumani o‘tkazildi.

210 nafar shaxs korrupsion

jinoyat uchun javobgarlikka tortildi

Viloyat prokurorining birinchi o‘rinbosari Sarvar Bozorovning ma‘lum qilishicha, prokuratura organlari tomonidan jinoyatchilik va huquqbuzarliklarning oldini olish, jamoat tartibini saqlash va kriminogen vaziyatni barqarorlashtirish borasida muntazam nazorat tadbirlari amalga oshirilmoqda. Yilning o‘tgan to‘rt oyida viloyatda 3253 ta jinoyat hisobga olinib, o‘tgan yilning mos davriga nisbatan 146 foizga oshgan. Bu jinoyatlarning 751 tasi (23 foiz) aniqlanadigan, 1193 tasi (37 foiz) oldini olish mumkin bo‘lgan, 1309 tasi (40 foiz) axborot texnologiyalari sohasidagi jinoyatlarni tashkil etadi.

– Ko‘rilgan choralar natijasida oldini olish mumkin bo‘lgan og‘ir turdagi jinoyatlar 4,9 foizga, nomusga tegish 23 foizga, bosqinchilik 100 foizga, avtomobilni olib qochish 25 foizga kamaydi, – dedi S.Bozorov. – Huquqni muhofaza qiluvchi organlar bilan olib borilgan hamkorlikdagi tadbirlar natijasida 90 ta jinoyatning oldi olindi. Viloyatdagi 1126 mahallanidigan, 697 tasi “yashil”, 334 tasi “sariq”, 95 tasi “qizil” toifaga kirib, jinoyat sodir bo‘lgan mahallalar 429 tani tashkil qildi. Mahallalarda sodir etilgan jinoyatlar o‘tgan yilning shu davriga nisbatan 14,5 foizga kamaydi. Bundan tashqari, mahalla hududida sodir etilgan jinoyatlarning oldini olishga mas‘ul bo‘lgan 46 nafar ichki ishlar xodimi, 14 nafar mahalla raisi, 17 nafar hokim yordamchisi, 6 nafar yoshlar yetakchisi hamda 7 nafar xotin-qizlar faoli intizomiy javobgarlikka tortilib, 3 ta jinoyat ishi qo‘zg‘atildi.

Viloyat prokuraturasi uyushgan jinoyatchilik va



korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘limi tomonidan joriy yilning 4 oyida 48 nafar shaxsga nisbatan 28 ta jinoyat ishlari bo‘yicha tergov harakatlari yakunlanib, jinoyat ishlari sudlovga yuborilgan. Tergov davomida aniqlangan davlatga yetkazilgan 13 milliard so‘m zarar to‘liq undirilishi ta‘minlangan.

144 ta korrupsiyaviy jinoyat ishlari tergov qililib, 210 nafar shaxs turli javobgarlikka tortilgan. Ularning 55 nafari maktabgacha va maktab ta‘limi, 27 nafari sog‘liqni saqlash, 17 nafari bank tizimi, 9 nafari huquqni muhofaza qiluvchi organlar, 8 nafari mahalliy hokimiyat organlari xodimlaridir. Shuningdek, 23 nafar hokim yordamchisi, 5 nafar advokat, 7 nafar soliq sohasi xodimi korrupsion jinoyatga qo‘l urgan.

Matbuot anjumanida viloyat prokuraturasi tomonidan korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha hududiy kengash hamda viloyat hokimligi bilan hamkorlikda ishlab chiqilgan “Yo‘l xaritasi” asosida amalga oshirilayotgan ishlar, sohalarni raqamlashtirish orqali korrupsiyaviy jinoyatlarning oldini olish hamda keng jamoatchilik bilan birgalikda bajarilayotgan profilaktik targ‘ibot ishlari haqida ma‘lumot berildi.

Zilzila vaqtida qanday harakat qilish kerak?

Viloyat favqulodda vaziyatlar boshqarmasi hayot faoliyati xavfsizligi o‘quv markazi xodimlari haftalik doirasida ta‘lim muassasalarida “Zilzilaga-cha, zilzila vaqtida, undan so‘ng to‘g‘ri harakat qilish bo‘yicha nazariy va amaliy mashg‘ulotlar olib bormoqda. Jumladan, joriy yilning 6-may kuni Samarqand davlat tibbiyot universitetida talabalar ishtirokida, Samarqand shahar 1- va 10-umumta‘lim maktablarida o‘quvchilar bilan davra suhbatlari o‘tkazildi. Davra suhbatlari davomida o‘quvchilarga zilzilaga qanday muhofazalanish va tayyorgarlik ishlarini olib borish, zilzila paytida xonadonda va ta‘lim muassasalarida harakatlanish va zilziladan keyin nima qilish kerakligi bo‘yicha savol-javoblar bo‘ldi.

A.TURDIQULOV,
viloyat favqulodda vaziyatlar boshqarmasi hayot faoliyati xavfsizligi o‘quv markazi o‘qituvchisi.



Aholini zilzilaga tayyorlash haftaligi o‘tkaziladi

Prezidentimizning 2023-yil 16-maydagi qaroriga asosan, joriy yilning 5-11-may kunlari respublikamizda seysmik xavfsizlikni ta‘minlash, aholining zilzilada harakat qilish bo‘yicha bilim va ko‘nikmalarini oshirish maqsadida “Aholini zilzilaga tayyorlash haftaligi” o‘tkazilmoqda. Eshittirishining o‘zi kishida vahima uyg‘otadigan bu jarayon xalqaro tajribaga asoslangan holda amalga oshirilayotgan rejayivi, har yili o‘tkaziladigan profilaktik tadbir hisoblanadi.

Shuning uchun viloyat favqulodda vaziyatlar boshqarmasi aholi orasida sarosima ko‘tarmaslik maqsadida mazkur jarayonlarga oid ma‘lumotlarni to‘g‘ri talqin qilishini so‘rab qoladi.

Haftalik davomida mahallalar, ta‘lim muassasalari, korxona va tashkilotlarda zilzilaga tayyorgarlik ko‘rish bo‘yicha o‘quv mashg‘ulotlari olib boriladi.

J.LAPASOV,
Samarqand shahar FVB inspektori, kapitan.

Ғалаба гурури



(публицистика)

ОЛОВНИНГ КОСОВЛАРИ

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги яқинлашгани сайин юракларда ҳаяжон, нохуш безовталиқ бор. Нега десангиз, собиқ тузумдан ғалати бир анъана хануз сақланиб, байрам ёки тантаналарга қадар у ёки бу ишни тезроқ тугатиб қўйиш одати яшаб келмоқда. Шу маънода, Украинадаги 1300 километрлик фронт чизигида 9-май яқинлашгани сари жанглр янада жиддий, янада шафқатсиз тус олаётир. Миллиондан зиёд аскарлари, минг-минглаб ҳарбий техникаси сафдан чиқарилганига қарамасдан, ҳар икки томон ҳам сира бўш келмаяпти. Пасха байрами ярашуви ҳақидаги ваъда-воизларга зид ўлароқ, Россия томони янада каттароқ ҳудудларни босиб олиш учун янги кучларни уруш қозониға ташламоқда. Боиси ғалаба байрамини янги ғалабалар билан нишонлаш иштиёқи Кремлга сира тинчлик бермаяпти.

Бунда улар турли усуллари қўллаб қўрмоқда. Трампни авраб, ёлгон ваъдалар бериш, яраш соатларини эълон қилиш, тинчлик музокараларига даъват этиш - буларнинг барчаси ягона мақсад йўлида қилинмоқда. Яъни, украинларни ҳолдан тойдириб, ўз шартларига қўндиришга интилмоқда. Шартлар эса жуда оғир. Жумладан, Украина Россия фойдасига бешта областидан воз кечиши, армиясини тарқатиб юбориши, НАТОга аъзо бўлмаслиги, давлат бошига руспараст раҳбар келиши ва бир сўз билан айтганда, таслим бўлиши керак. Улар бу йўлда гапларига Трампни ҳам ишонтиришга уринмоқда. Америкага сон-саноксиз ҳадялар ваъда қилиб, ўзлари томон оғдиришга интилмоқда. Бойликка ўч Сем амаки ҳам агар дунё ҳам-жамиятидан уялмаса, Украинани аллақачон Россиянинг битмас-туғамас табиий бойликларига алмашворган бўларди. Аммо орада ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган буюқ қадрият бор. У ҳам бўлса, ғурур. Оддий инсоний ғурур. Қўлни, қашшоқни, мазлунни эрк сари оёқлантирган ғурур. Беҳисоб қонларни тўкиб бўлса ҳам сақлаб қолинган бебаҳо ғурур.

Айтайлик, Иккинчи жаҳон урушида 50 миллиондан зиёд қурбон берилди. Одамлар эрк ва озодлик учун жон олиб жон беришди. Ким учун, нима учун? Ахир улар ҳам баъзи ватанфурushларга ўхшаб, шахарлари калитини нон-туз билан душманга тақдим этиши мумкин эди-ку! Йўқ. Улар ўз эрки ва озодлигини ҳамма нарсадан азиз деб билди. Гарчанд, сохта бўлса ҳам инсонпарвар бўлиб туролган коммунистик ғоялар жомояси учун омонсиз жангга кирди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ минг-минглаб ёшлар кўнгилли бўлиб, уруш майдонларига отланди. Икки-юзламачи, байналмилал мафкурага ишонган барча собиқ шўро халқлари Россия, Беларусь, Украина жомоясига отланиб, шириндан-ширин жонини қурбон қилди. Биргина Ўзбекистондан ярим миллиондан ортиқ йигит ҳалок бўлди. Уларнинг ўрни бизга ҳали-хануз бўллади. Агар тирик бўлишганида, бугун биз 37 миллион эмас, нақ 50 миллионлик бўлардик.

Уруш бошқа халқларга ҳам демографик муаммолар пайдо қилди. Масалан, бугунги кунда Россия, Украина аҳолиси сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Бунинг барисига ёвуз уруш сабаби. Статистикага қараганда, Украина урушида кўпроқ россиялик майда миллатлар қурбон бўлмоқда экан. Бунинг сабабини сўрашганда, бир сиёсий арбоб: "Миллий республикаларда қашшоқлик кучли, шу боис йигитлар катта пул эвазига урушга бормоқда", деди. Яна бир "дохий" эса: "Руслар билан украинлар оға-ини халқ. Улар бир-бирига ўқ узгиси келмайди. Шу боис жангга рус бўлмаган миллат вакиллари киргани маъқул", деб ҳисоблайди. **Бундан кузатилган мақсад очиқ кўриниб турибди - Украинани ташланадиган чўғни қўл билан ушламасдан, косовдан фойдаланиш. Бунда бошқа миллатларга косов вазифаси юкланаётгани очиқ кўринмоқда.** Шу маънода, туваликларнинг ўз халқиға нисбатан Москва геноцид уюштираётгани ҳақидаги гап-сўзларида жон борлиги аён бўлади. Ман-тиқ юзасидан олиб қарасак, Иккинчи жаҳон урушида ҳам ушбу усулдан фойдаланилгани сезилиб қолади. Йўқса, жанггоҳларда америкаликлардан кўра кўпроқ ўзбекистонликлар қурбон бўлармиди?!

УРУШ ВА ҚОНУН

Бир қараганда ушбу сарлавҳа бемаъни бўлиб туюлиши мумкин. Ахир урушда қонун бўларканми? Ҳа, халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган уруш ҳаракатларини олиб бориш ҳақидаги Женева конвенсияси мавжуд. Аммо унга урушаётган томонлар кўпам риюа қилавермайди. Кўпинча тинч аҳоли қуролларнинг асосий нишонига айланади. Масалан, Россия томони украин халқида ўз раҳбарларига нисбатан нафрат уйғотиш мақсадида уруш ортидаги тинч шахарларга кўпроқ ҳужум уюштирмоқда. Аммо уларнинг бу ҳарбий жиноятлари тескари натижа бермоқда. Аксинча, украинлар президент Зеленский атрофиға жипсроқ бирлашиб, босқинчиларга қарши курашни кучайтиришмоқда. Албатта, ҳамма украиналиклар ҳақида ҳам шундай деб бўлмайди. Улар орасида урушдан қочиб юрганлар, душманга сотилганлар ва шунчаки, охири нима бўларкин, дея томошабин бўлиб ўтирганлар ҳам кам эмас. Бироқ ўз халқи, Ватани, миллати, тили, дини ҳақида қайғуриб, қонли жангга қираётганлар кўпроқ. Айнан шу боис ҳам улар ўзларидан ўн баравар кучли босқинчи армиянинг хуружини қайтариб турибди. Булар биз юқорида ёзганимиздек, миллат озодлиги, эрки учун қилинмоқда. Аслида бу жараёнларнинг илдиизи узоқ йилларга бориб такалади.

Айтайлик, 1945 йилнинг май ойида Европада уруш ҳаракатлари тўхтатилди. Дунё бир нафас тин олгандек бўлди. Аммо 1946-йилдаги Черчилнинг Фултон маърузасидан кейин жаҳон халқларига яна бир очиқ ҳақиқат аёнлашди. Маълум бўлдики, Шарқий Европа бир босқинчидан қутулиб, Ялта ва Потсдам шартномалари асосида, иккинчи бир босқинчи қўл остиға ўтибди. Дунё коммунистик инқилоби орзусида яшаётган большевиклар уруш баҳонасида улкан бир ҳудудда ўз расм-таомилларини ёё бошлади. Бундан илҳомланган маргинал сиёсий кучлар Кремль кўмағида бошқарувни ўз қўлларига олди. Уларнинг ҳокимиятига қафолат сифатида Германия Демократик Республикаси, Австрия, Польша, Руминия, Болгария, Венгрия, Чехословакия сингари Европа мамлакатларида шўро қуролли кучлари жойлаштирилди. Гарчанд, Ғарб мамлакатларининг босими билан улардан бир қисми кейинчалик олиб чиқиб кетилган бўлса-да, ушбу давлатлардаги сиёсий режимлар ўз ўрнида қолди. "Халқ демократик" ҳукуматлари бошқарувда яроқсиз совет услубини ўзларига андаза қилиб олишгани боис шўро жамиятига хос кўплаб муаммолар уларга кўчиб ўта бошлади.

Дастлаб 1948 йилда ГДРда норозилик халқ ҳаракатлари бошланди ва маҳаллий коммунистлар ёрдамида бостирилди. Кўп ўтмай, 1956 йилда Венгрияда "аксикинилобий" қўзғолон совет армияси томонидан бешафқат янчиб ташланди. 1968 йилдаги "Прага баҳори" дея номланган халқ ҳаракати ва ўтган асрнинг 80-йилларидаги Польшада содир бўлган воқеалар аста-секин шўро давлатининг таназзули яқинлашаётганидан дарак берди. Воқеаларнинг бундай нохуш ривожидан хавотирға тушган шўро раҳбарлари 1975-йилда чегараларнинг дахлсизлиги ҳақидаги машҳур Хельсинки шартномасини имзолашга мажбур бўлди. Нега десангиз, Кремлдаги ҳаёипарастлар то шу кунларга қадар халқаро коммунистик ҳаракат кенг ёйилиши ва "чириб бораётган" капиталистик мамлакатлардаги бошқарув коммунистлар қўлиға ўтиши ҳақидаги ширин хомхаёёллар оғушида эди. Европада янги пайдо бўлган озодлик ҳаракати улар учун жиддий оғоҳлантириш бўлди ва Кремль Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган воқеликни тан олишга мажбур эди.

Икки дунё, икки олам орасидаги тинч мусобақа рақобати давом этди. Кечагина урушда мағлуб бўлган мамлакатлар тикланиб, дунёнинг иқтисодий гигантларига айлана бошлади, ғолибларнинг боши ғалвадан чиқмай қолди. Хатто, аҳолини кундалик эҳтиёж маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам катта сиёсий муаммоға айланди. Ёши катта кишиларимиз гўшт, ёғ, совун, сочиқ тақчиллиги ва бунинг орқасидан келиб чиқадиган узундан узоқ навбатларни яхши эсласа

керак. Масалан, менинг ёғ, ун, нон, сочиқ, батарейка, дафтар, оддий шиппак учун навбатда турганларим ёдимда. Хуллас, сиёсий хатолар иқтисодий таназзулнинг бошланишига сабаб бўлди.

ЭНГ ОЛИЙ ҲУҚУҚ

XX аср инсоният тарихига унинг энг мураккаб даврларидан бири бўлиб кирса, ажаб эмас. Нега деганда, икки жаҳон уруши, юзлаб инқилоблар, адоқсиз ислохотлар ўтган асрнинг асосий қиёфаси бўлди, десак адашмаймиз. Аср бошларидан кучая бошлаган сўллар ҳаракати охири дунёда озми-кўпми ижтимоий адолатнинг қарор топиши билан XXI аср бошларига келиб, аста-секин сусая бошлади. Кучайиб бораётган глобализм жараёнлари инсоният олдига янги-янги муаммоларни қўндаланг қўйди. Улардан бири ҳозиргача давом этаётган халқларнинг буюқ кўчиши бўлди. Иккинчиси, учинчи дунё мамлакатларининг биринчи ва иккинчи дунё билан тенгма-тенг рақобатға киришганидир. Ҳозирги вазият шундайки, иккинчи дунё мамлакатларини ким ўзи томон оғдириб олади, деган савол ҳар икки дунё давлатлари учун асосий муаммоға айланмоқда. Агар Ғарб Россиянинг кўнглиға йўл топиб, уни ўз иттифоқчисига айлантирса, кучайиб бораётган Хитой билан бўлажак рақобатда ютиб чиқиши мумкин. Бироқ Хитой ҳам либерал-демократик дунёға қарши курашда Россияни ўзига яхши ҳамкор сифатида кўришни истайди. Чунки кимдир хоҳласа-хоҳламаса, Россия ҳали дунёдаги асосий куч марказларидан бири сифатида ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ.

Москва икки катта йўл бошида турган одамға ўхшайди. Ғарб либерализми билан яқинлашса, ҳудди аввалги йилларда бўлганидек, парчаланиб кетиш хатари пайдо бўлиши мумкин. Мабодо учинчи дунё таркибиға қўшилса, Хитойға вассал давлат сифатида абадий қолюклик ботқоғиға тушиб қолади. Масалан, учинчи дунёдаги лидер давлат Хитойни олиб кўрадиган бўлсак, нуқул Ғарб технологияларини ўзлаштириш ҳисобига ривожланаётган империя шаклидаги бир салтанат эканлиги аён ҳақиқат. Шу боис бўлса керак, Москва ўзи учун бошқаларға ўхшамайдиган оригинал "рус дунёси"ни яратишға ҳаракат қилмоқда. Катта империяни эса Украинасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан шундай ҳулоса келиб чиқадики, олиб борилаётган бугунги уруш Россия учун аллақачон ҳаёт-мамот масаласига айланиб улгурди.

Энди ортға қайтишға йўл қолмаган. Бу шуни англатадики, уруш тугаган тақдирда ҳам орадаги зиддият яқун топмайди. Баъзилар бу урушда фақат Путинни айблашға уринади. Аслида бундай эмас, у ўз халқининг қайфияти оқими бўйлаб суюмоқда. Путин империянинг бир аср ичида икки марта парчаланишидан чуқур тушунуликка тушган аламзада халқнинг ҳосиласи. Фақат бунда унинг дунёқараши билан оддий халқ қандайияти жуда ҳамоҳанг келганлиги вазиятни калтислаштириб юборди.

2022 йил 24 февралда уруш ҳаракатлари бошланганида Россия армияси қаттиқ қаршиликка учраб, кўплаб аскарлар ҳалок бўлгач, ҳамма энди мамлакатда урушға қарши ҳаракат ва намойишлар бошланиб кетади, деб ўйлаганди. Аммо бундай бўлмади, одамлар мўмай пул топиш илнжида ўз ихтиёри билан жангға отлана бошлади. Қамқоҳоналардаги маҳбуслар ҳам озодлик эвазига урушға киришға рози бўлди. Уларнинг ёниға ипотека кредити қарздорлари ва алимент тўлашдан қочиб юрганлар қўшилди. Бугун рус маъмурлари хориж фуқароларини ҳам урушға сафарбар этишмоқда. Украинларға қарши аффрикалик, ҳиндистонлик, хитойлик, шимолӣ корейялик ва барча собиқ шўро республикаларидан бўлган одамлар урушаётганлиги сир эмас. Адолат юзасидан айтиш керакки, хориж фуқаролари Украина томонида туриб ҳам жанг қилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, ушбу муҳорабада инсонларнинг энг олий - яшаш ҳуқуқи қўпол паймол этилмоқда. Айниқса, унда тинч яшаётган аҳолининг, қариялар ва болаларнинг қурбон бўлаётганлиги чидаб бўлмас ҳолат. Кимларнингдир шубҳали орзу-ҳаваси ва сиёсий-иқтисодий ўйинлари йўлида минглаб навакирон йигитлар қурбон бўлаётгани кишини афсуслантиради. Ахир улар орасида бўлажак олимлар, шоирлар, ихтирочилар, буюқ мутафаккирлар бўлиши мумкин. Ўз халқининг генофондиға бундай шафқатсиз муносабатда бўлаётган кишиларни келажак сира кечирмаса керак.

Худойберди КОМИЛОВ, сиёсий шарҳловчи.



Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайд

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

– Танкчилар дивизияси билан Днепр, Украина, Молдавия, Венгрия, Чехословакия-ни озод қилишда иштирок этдим, – деб уруш йилларини хотирлади шу йилнинг 10 март кuni 100 ёшға тўлган Аҳад Очилов. – Германияда бўлдим. Бу қирғинбаротда ёш бошим билан омон қолганимнинг ўзи мўъжиза. Қайтиб келганимда юртимизда турмуш тарзи, одамларнинг ҳаёти жуда оғир эди. Ҳамма нараса фронтға юборилган, йўқчилик, очарчиликни бошдан ўтказдик. Мен кўрган нарсаларни ҳеч бир авлоддан кўришни истайман...

Ҳа, урушни кўрганлар, ўша давр қийинчиликларини бошидан ўтказганлар ҳеч кимға ўша қийинчиликларни раво кўрмайди, у кўнларни хотирлашни ҳам исташмайди. Фақат бугунги авлод тинчликнинг, хотир-жамликнинг қадриға етиши учун ўзлари бошидан ўтказган кўнларни кўзда ёш билан хотирлаб, айтиб беришади.

– Шу кўнларда вилоятимиздаги таълим муассасалари, маҳаллалар, корхона ва таъкилотларда "Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилма-

ди!" шиори остида Хотира ва қадрлаш кuni ва Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги нишонланмоқда, – дейди "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Шўхрат Негматов. – Сана муносабати билан жойларда кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Фахрийларға алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Албатта, бугун икки нафар уруш қатнашчиси ва 252 нафар фронторти меҳнат фахрийларини бу тадбирларға таклиф этиш қийин, уларнинг энг ёши ҳам 90 дан ошган. Шунинг учун бу фахрийларимизни кўп безовта қилмаган, уринтирмаган ҳолда уларни хонадонағи бориб, йўқлаяпмиз, ҳол-аҳвол сўраяпмиз. Тегishi таъкилотлар томонидан зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда, уй-жойларини таъмирлаш, саломатлигини тиклашға кўмаклашилмоқда. Фахрийларимизға Президент фармони асосида пул мукофотлари ва "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги" эсдалик юбилей медалини, давлатимиз раҳбарининг табрикномалари ва қимматли совғаларини топширяпмиз.



Ғ.ҲАСАНОВ.

Бизни маърифатға, одамийликка ундарди

Шахснинг камол топишида устозларнинг ўрни беқиёс. Чунки улар кишиларни маънавиятға, маърифатға, одамийликка ундайди. Камтарлигини намойиш этиб, шогирдларға ёрдам қўлини чўзади, барчамизни ўзига яқин тутати. Шундай устозлардан бири филология фанлари доктори, профессор Абдиназар Пардаев эди.

А.Пардаев 1951 йилда Қўшработ туманининг Жўш қишлоғида таваллуд топди. 1968 йилда ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетиға ўқишға кирди. Институтни муваффақиятли тамомлаб, Самарқанд давлат унивеситетида фаолиятини давом эттирди. 1978 йилда Москвадаги собиқ иттифоқ фанлар академияси рус тили институтида илмий изланишлар олиб борди. 1982 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор А.Тихонов раҳбарлиғида номзодлик, 1990 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Устоз 1991-2012 йилларда Самарқанд давлат университети миллий гуруҳларда рус тили кафедрасига раҳбарлик қилди, жамоатчилик ишлари билан шуғулланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси эксперти сифатида фаолият юритди. Домла Ўзбекистон Миллий университети ва Абу Наср Форобий



номидаги Қозоғистон миллий университети қошидаги ихтисослашган илмий кенгашлар, МДҲ давлатлари учун рус тили фани бўйича янги дарсликлар яратиш соҳасида Санкт-Петербург давлат университетидаги халқаро эксперт комиссияси ҳамда Рус тили ва адабиёти ўқитувчилари халқаро ассоциацияси аъзоси ҳам эди. А.Пардаев минглаб талабаларға рус тилини ўқитиш билан бирға кўплаб тадқиқотчиларға устозлик қилди. Домла тайёрлаган шогирдлар жамиятимизнинг турли соҳаларида мамлакат равнақи учун хисса қўшмоқда, нуфузли олийгоҳларда ёшларға сабоқ бераётир.

Кафедрамиз жамоаси устозни доим эслаб турамиз. Домла жисман орамизда бўлмаса-да, руҳан биз билан. Самимий дўст, жонкуяр олим Абдиназар Пардаевнинг охирати обод бўлсин!

С.УСМАНОВА, И.МАМАСОЛИЕВ, Самарқанд давлат университети доцентлари.

Мирзо Улугбекнинг илм чироғин ёқиб

Илмий салоҳияти билан жаҳонға машҳур бўлган Самарқанд давлат университети қошидаги Оптика илмий мактаби захматкаш ва фидойи вакилларида бири, юртимиз физика фани ривожига муносиб ҳисса қўшган олим Фарид Тухватуллин эди.

Устоз 1936 йил 26 апрелда Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл туманида таваллуд топган. Тақдир тақозоси билан Самарқандға келиб қолган Фарид 1954 йилда 37-ўрта мактабни олтин медал билан тугатди. Шу йилнинг ўзида Ўзбек (ҳозирги Самарқанд) давлат университети физика-математика факультетиға ўқишға кирди. 1959 йилда университетни муваффақиятли тугатиб, уч йил давомида Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) университетида аспирантурада таҳсил олди. 1962 йилда она юртиға қайтиб келган ёш олимнинг кейинги фаолияти СамДУ физика факультети билан боғлиқ бўлди. Факультетнинг оптика кафедрасида ишлаб, талабаларға физика фанидан сабоқ берди. Қатор йиллар ўқитувчи, кафедра доценти бўлди. Декан ўринбосари, факультет декани ва кафедра мудирли лавозимларида меҳнат қилди. 1990



йилда домланинг ўзи ҳам фан докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. – Университетимиз, қолаверса, физика ва оптика кафедралари тарихи кечаги кундан бошланган эмас, унга жаҳон фалакиёт фани султони Мирзо Улугбек томонидан тамал тоши қўйилган. Бугунги кунда бу масъулиятли вазифани кўтариб юриш сиз ва бизнинг зиммамизға юклатилган, – дерди физика-математика фанлари доктори, профес-

сор Фарид Тухватуллин. Дарҳақиқат, домламиз оптика ва молекуляр спектроскопиянинг долзарб масалаларига бағишланган 4 та монография, 20 дан ортиқ ўқув ва услубий қўланма, 300 дан зиёд илмий мақолалар муаллифидир. Унинг раҳбарлиғида 2 киши фан докторлиги ва 9 киши фан номзодлиги диссертациясини ҳимоя қилди. Ф.Тухватуллин нафақат университетда, балки ўзи истикомат қилган маҳаллада ҳам иззат-обрўға эға инсонлардан эди. У маҳалладаги тўй-маъракаларға бош-қош бўларди. Устоз ҳаёт бўлганида бугун 89 ёшни қаршиларди. Унинг хотираси дўстлари, касбдошлари ва шогирдлари қалбида абадий яшайди. **Аҳмад АБСАНОВ, Ғайрат ШАРИФОВ, Самарқанд давлат университети доцентлари.**

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASINING SAMARQAND VILOYATI KENGASHI



Yurtimiz
tinchligi,
bugungi
farovon hayot
uchun jon
fido qilgan
insonlar xotirasi
qalbimizda mangu
yashaydi.

Ayni damda hayot bo'lgan urush va mehnat
fronti qatnashchilari oldida doimo bosh egamiz.
Barchangizga sihat-salomatlik, xotirjamlik
tilaymiz. Yurtimizga ko'z tegmasin!

SAMARQAND VILOYATI AVTOMOBIL YO'LLARI BOSH BOSHQARMASI VA PAST DARG'OM TUMANI YO'LLARDAN FOYDALANISH KORXONASI:

XOTIRA VA QADRLASH KUNI –

xalqimiz uchun ajdodlarimizni yod etish hamda bugun
hayot bo'lgan aziz nuroniylarimizga hurmat-ehtirom
ko'rsatish kuni.

Fursatdan foydalanib, qadrlı otaxon va munis
onaxonlarimizga uzoq umr, sihat-salomatlik tilaymiz!
Osmonimiz hamisha musaffo, jonajon Vatanimiz tinch-
osoyishta bo'lsin!



ATIB

IPAK YO'LI BANKI

SAMARQAND FILIALI

barcha yurtldoshlarimizni

**Ikkinchi jahon urushidagi
g'alabaniing 80 yilligi**
bilan tabriklaydi.

Yurtimiz osmoni doim musaffo bo'lsin,
xonadoningizdan qut-baraka, fayz arimasin!



DA'VOLAR BO'LSA...

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Norqulov Alisher Toshbaltayevich notarial idorasida marhum Fattayev Xolmamat Ashurovichga (2021-yil 26-iyulda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Norqulov Alisher Toshbaltayevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Samarqand shahri Firdavsiy ko'chasi, 96-uy. ***

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Hazratqulov Mahmud Mo'minulovich notarial idorasida marhum Islamov Davronkul Bayanovichga (2022-yil 3-oktabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Hazratqulov Mahmud Mo'minulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Samarqand shahri Amir Temur ko'chasi, 36-uy. ***

Samarqand tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Davronov Mahmud Hasan o'g'li notarial idorasida marhum Kazakov Idi Xasanovichga (1992-yil 31-iyulda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Davronov Mahmud Hasan o'g'li notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Samarqand tumani Oqmachit mahallasi, Bag'rikenglik ko'chasi, 4-uy. ***

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Norqulov Alisher Toshbaltayevich notarial idorasida marhum Hasanova Saroy Rabbimovna (2022-yil 21-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Norqulov Alisher Toshbaltayevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Samarqand shahri Firdavsiy ko'chasi, 96-uy. ***

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Azizov Sherzod Ilhomovich notarial idorasida marhum Gaziye Abdurasulga (2021-yil 21-aprelda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Azizov Sherzod Ilhomovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy. ***

Samarqand tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Axtamov Erkinjon Tolibjonovich notarial idorasida marhum Sadullayev Sukurillo (2024-yil 10-iyunda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Axtamov Erkinjon Tolibjonovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Samarqand tumani Xo'ja Ahrori Vali mahallasi.

KICHIK SANOAT ZONASI TASHKIL ETILADI!

Xalq deputatlari Samarqand viloyati Kengashining 2024-yil 1-iyuldagi VI-100-62-7-0-K/24-sonli qaroriga asosan, "Samarqand viloyati Samarqand tumani Do'stlik mahallasida joylashgan 37,0 gektar yer maydonida (shundan, 6,0 gektari charm-poyabzal yo'nalishiga ixtisoslashgan) yangi tashkil etilayotgan kichik sanoat zonasi uchun bosh rejasini ishlab chiqish" obyekti bo'yicha Samarqand viloyat hokimligi "Yagona buyurtmachi xizmati" DUK buyurtmachi etib belgilangan.

Ushbu obyekt amaliyotga tatbiq etilsa, ko'plab yangi ish o'rinlari yaratilib, hududda tadbirkorlik rivojlanadi, insonlarning turmush darajasi ko'tarilib, aholi bandligi taminlanadi.

**SAMARQAND VILOYAT HOKIMLIGI
"YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI" DUK.**

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasida marhum Taxirov Jabbar Mardanovichga (2014-yil 8-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy. ***

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Norqulov Alisher Toshbaltayevich notarial idorasida marhum Kazimova Zaynabga (2009-yil 26-iyunda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Norqulov Alisher Toshbaltayevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Samarqand shahri Firdavsiy ko'chasi, 85-uy. ***

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasida marhum Rasulov Uraz Xalikulovichga (2024-yil 3-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Jomboy tumani Saroy ko'chasi, 15-uy. ***

Jomboy tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasida marhum Rasulov Uraz Xalikulovichga (2024-yil 3-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Mamatqulov Otabek Bolbekovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.
Manzil: Jomboy tumani Saroy ko'chasi, 15-uy. ***

TOPGANGA MUKOFOT!
Fuqaro Xaydarov Abubakr Komilovichning haydovchilik guvohnomasi (AF 5198588, 2022-yil 20-iyunda Samarqand viloyati IIB YHXB RIB tomonidan berilgan) Samarqand shahri hududida tushirib qoldirilgan. Ushbu hujjatni topganlardan mukofot evaziga qaytarishlarini so'raymiz.
Telefon: +99899-914-18-18. ***

BEKOR QILINADI
Jomboy tumanidagi Boboqulov Ibodullo Hobil o'g'li yakka tartibdagi tadbirkorining (JSHSHIR: 32301976020010) dumaloq muhi va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi. ***

Samarqand shahridagi "DILNURA SEVARA 7777" oilaviy korxonasi (STIR: 308940272) dumaloq muhi va burchak tamg'asi yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Ана шундай таърифу тавсифга лойиқ Мавлон Жўрақулов 1932 йил 9 май куни Нурота туманининг Боғажот қишлоғида туғилган. Узоқ туманда қишлоқ боласининг ёшлиғи бошқа тенгдошлариникидан деярли фарқ қилмайди: 1951 йилда ўрта мактабни битириб, фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Қуролли кучлар сафида хизматда бўлган.

Фидойи раҳбар, зукко олим, меҳрибон устоз

1960 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультети-ни битириб, мазкур университетнинг умумий тарих кафедраси ассистенти ва 1960-1963 йилларда аспиранти бўлган. Мавлон Жўрақулович 2020 йилгача бўлган фаолияти давомида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, профессор, тарих факультети декани, СамДУнинг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори, 1987-1993 йилларда университет ректори сифатида раҳбарлик са-лоҳиятини намойён этди.

Шунингдек, Афросиёб шаҳарча-сини тарихий-археологик жиҳатдан ўрганиш муаммовий лабораторияси раҳбари, Самарқанд вилояти «Билим» жамияти бошқарув идораси раисининг муовини, Самарқанд минтақасидаги олий ўқув юртларининг ректорлар кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депу-тати, Улғубек фонди кенгаши раёсати-нинг аъзоси, «Ватан тарихи» бўйича диссертациялар ёклаш ихтисослашти-рилган илмий кенгаш раиси вазифала-рида сидқидилдан ишлади.

Масъул лавозим ва вазифаларда самарали меҳнат қилиш баробарида домла илм-фанни юксалтиришга ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшган. У халқимиз тарихини ойдинлашти-риш йўлида жонбозлик кўрсатган олим эди. Хусусан, умри давомида 600 дан ортиқ катта-кичик илмий ишларни яратган кўп қиррали фан арбобидир. М.Жўрақулов раҳбарли-гида 6 нафар фан номзоди, 1 нафар фан доктори етишиб чиқди.

Унинг кўп қиррали илмий фаоли-ятдаги йўналишлардан бирини тош асри маданиятини ўрганиш ташкил қилади. Тахминан 2,5 миллион йил аввал бошланиб, эрамиздан олдин-ги тўрт мингинчи йилларгача бўлган вақтни ўз ичига оладиган ўтмишни тадқиқ қилиш изланувчидан озмунча меҳнат ва жасоратни талаб этмайди. Олимнинг 1987 йилда «Фан» наشري-ётида чоп этилган «Самарқанд макони ва Ўрта Осиё палеолити муаммолари» монографияси ана шу давр маданияти тарихини ўрганиш яқунлари сифатида юзага келди. Қўтирбўлоқ, Зирабўлоқ каби манзилгоҳларда олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган палеолит даври буюмлари қолдиқлари, турли ашёвий топилма-



лар, меҳнат қуроллари тадқиқи Ўрта Осиё, жумладан, Самарқанд қадимий маданияти тарихини ўрганиш ишига қўшилган салмоқли хисса бўлди. Ил-мий қўзатишлар туфайли бу ҳудуд-ларда яшаган қадимий қабилаларнинг Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, ҳатто Европа сўнгги палеолит даври аҳолиси билан яқиндан маданий алоқаларнинг мавжуд бўлганлиги асослаб берилди.

Зарафшоннинг ўрта оқими, Қо-ратепа тоғ этакларидан, Сазагон ва Тепакул қишлоқларидан мезолит (эр. авв. XII-VI минг йилликлар) ва неол-лит (эр. авв. VI-IV минг йилликлар) даврларига оид 30 дан ортиқ ибти-дий уруғ жамоалари маконларининг кашф этилиши нафақат М.Жўрақу-лов, балки Самарқанд тарихчи архе-ологларига ҳам катта обрў келтирди.

Мавлон Жўрақуловнинг хизмат-лари давлатимиз томонидан эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси, Халқ таълими аълочиси каби унвон ва нишонлар билан тақдирланди. Биз Мавлон Жўрақуловни фидойий устоз, муносиб замондош, ўзининг илмий-адабий мактабига эга ҳақиқий мураббий, покиза инсон, зукко раҳ-бар, яхши ота, нуктадон инсон, тарих фанининг етук билимдони сифатида умрбод ёдда сақлаб қоламиз.

Рўзиқул АБРИЕВ,
Самарқанд давлат университети
тарих факультети декани.
Одил ЭРГАСHEB,
университет археология
кафедраси мудири.

Инсон ўз ҳаёти давомида бажарган турли эзгу амаллари билан обрў-эътибор топади. Зеро, умрининг асосий қисмини илм-фанга, шоғирдлар тарбиясига, маҳалласига, ён-атрофидагиларга яхшилик қилган инсонларгина юрт равнақини эл саодатида кўради. Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси Сағдулла Шарипов ана шундай инсонлардан эди.

С.Шарипов 1950 йил 13 январ-да Самарқанд шахрининг Халифа Иброҳим маҳалласида таваллуд топган. Шаҳардаги 22-ўрта мак-табда ўқиб юрган пайтларида шахри атрофидаги обидалар тарихи билан қизиқиб қолади. Ундаги бу қизиқиш

Илм-фанга садоқати бор эди



Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига етаклайди.

Бўлғуси олим университетда таниқли тарихчи олимлар М.Аминов, М.Абрамов, А.Чикаев, Ю.Алескеров, К.Самибоев, М.Эгамбердиев, С.А-крамов, А.Набиев, М.Жўрақулов, И.Нарзикуловлардан тарих илмининг сир-асрорларини қунт билан ўрган-ди. Университетни тугатгач, меҳнат фаолиятини Акмал Икромов номида-ги Ўзбекистон маданияти ва санъ-ати тарихи музейида оддий илмий ходимликдан бошлади. Кейинчалик Самарқанд кооператив институти-

нинг сиёсий иқтисод, СамДУнинг Ўз-бекистон халқлари тарихи кафедра-ларида кабинет мудири, университет қошидаги ижтимоий фанлар бўйича малака ошириш факультетининг кат-та лаборанти бўлиб ишлади. Ўзбеки-стонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор М.Аминов раҳбарлигида аспирантурани ўтади.

Ёш олим 1977 йилда университет тарихи музейи мудирилигига тайин-ланди. Шу йилларда университетнинг ижтимоий гуманитар факультетлари-да, шунингдек, тарих факультетида талаба ёшларга Ўзбекистон тарихидан дарс берди. Сўнгра Ўзбекистон тарихи кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга ўтди ва шу кафедрада катта ўқитувчи лавозимида ишлади. С.Шарипов ўқув педагогик фаолиятини жамоатчилик ишлари билан уйғун олиб борарди. Чунончи, 1988-1992, 2007 йилларда факультет деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари ҳамда тарих фа-культети ўқув-услубий кенгаши раиси, 2003-2005 йилларда СамДУ магистра-тура бўлими бошлиғининг ўринбосари сифатида фаолият юритди.

Домла 1979 йилдан 2007 йилга қадар Самарқанд шахридаги Халифа

Иброҳим номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда СамДУнинг тарих факультетида ўз фаолиятини давом эттирди. 1993-1998 йиллар собиқ Сиеб тумани оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” хайрия жамғармаси раиси сифатида фаолият юритди.

Университетда талабаларга билим бериш билан бирга 150 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар, ўқув-услубий қўлланмаларга муаллифлик қилди.

Ўлкашунос олим С.Шарипов 1998-2001 йилларда “Самарқанд” газета-си бош муҳаррирининг ўринбосари сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Ўзининг ташаббускорлиги, жамоат-чилиги, жонкуярлиги, ҳар қандай киши билан тез тил топишиб кета олиб туфайли 1989-1993 йилларда Сиеб тумани, 1994-1999 йилларда Самарқанд шахар Кенгашига депутат этиб сайланди.

Саммийи, дилкаш, илм-фанга са-доқатли, устоз Сағдулла Шариповнинг хотираси қалбимизда яшайди.

Ш.ҒАФОРОВ,
Самарқанд давлат
университети
профессори, тарих фанлари
доктори.

Самарқанд давлат университети ўзининг кўп йиллик бой тарихи мобайнида юзлаб истеъдодли олимлар, мураббийлар ва жонкуяр педагогларни камолга етказган. Ана шундай фидойи олимлардан бири кимё фанлари номзоди, доцент Исмоил Эргашев эди.

Кимё соҳасининг жонкуяри

И.Эргашев 1955 йилда Пахтачи туманида туғилган. Самарқанд давлат универси-тетининг кимё факультетида ўқиган. Шу ердан бошлан-ган меҳнат фаолияти бутун ҳаёти давомида айнан шу даргоҳ билан боғлиқ бўлди. Университетнинг умумий кимё кафедраси лаборан-ти сифатида иш бошлаган ёш мутахассис, тез орада ўзининг меҳнаткашлиғи ва илмий изланишларга бўлган қизиқиши билан эътибор қозонди. Илмий ходим, аналитик кимё кафедраси ассистенти, доценти сифати-да талабаларга таълим берди.

И.Эргашев илмий фаолиятини хрома-тография усуллари асосида ажратиш жа-раёнларини математик моделлаштириш ва оптималлаштириш каби мураккаб ва долзарб йўналишга бағишлаган олим эди. У хромото-график жараёнларда моддаларнинг ажрали-шига таъсир этувчи асосий физик-кимёвий омилларни ўрганиб, уларни аниқ математик моделлар орқали ифодалаш, жараёнларнинг оптимал шaroитларини топиш, натижада тах-лил самарадорлигини ошириш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борган. Унинг ил-мий ишларида асосий эътибор газ ва суюқлик хромотографияси усулларининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга қаратилган.

Устознинг илмий фаолияти нафақат назарий аҳамиятга эга, балки аналитик кимё ва хромотография соҳаларида амалий масалаларни ҳал этишда ҳам муҳим қўллан-ма бўлиб хизмат қилмоқда.



И.Эргашев педагог сифа-тида талабчан, бироқ бағри-кенг, ёшлар учун чинакам устоз эди. Бугун ҳам унинг самимийлиги, меҳрибонлиги, меҳнаткашлиғи ва илм-фанга чуккур садоқати катта эҳтиром билан ёдга олинади.

И.Эргашев аҳил ва зиёли оиласи билан ҳам маҳалла-дошлари орасида ҳурмат-эъ-тибор қозонди. Турмуш ўртоғи Малика Тиловова Самарқанд давлат чет тиллар институ-тида ҳисобчи вазифасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган. Уларнинг оиласи меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш руҳида барпо этилган бўлиб, фарзандлар ҳам билимга чанқоқ, ватанпарвар ва тadbиркор этиб тарбияланган. Қизи Шаҳноза Эргашева отасининг изидан бориб, бугунги кунда Самарқанд давлат университетида таянч докторантурада таҳсил олмақда. Ўғли Исрол Эргашев университетида докторант сифатида фаолият олиб бораётган бўлса, яна бир ўғли Шўҳрат “Дори-дармон” очик акциядорлик жа-миятида бўлим бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Исмоил Эргашев ўз фаолияти билан Са-марқанд давлат университетининг илмий ва пе-дагогик салохиятини оширишга муносиб хисса қўшган олим сифатида ёдимизда қолган. Унинг хотираси ва илмий мероси келажақ авлодлар учун ҳам ибрат бўлиб хизмат қилади.

Қ.МУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети
профессори.
Н.МУҲАМАДИЕВ,
доцент.

лик шоирлар, “Action poétique” журнали муҳаррири Анри Делюи ва Жан-Пьер Бальп билан ҳамкорликда Рауф Парпидан то Хуршид Давронгача бўлган ёш ўзбек шоирлари ижодидан таржималар қилиб “Poètes ouzbek et russe” (1989) антология-сини нашр эттирди.

“Action poetique” журнали бош муҳар-рири Анри Делюи (Henry Deluy) устоз ҳақида шундай дейди: “Йил давомида бир неча бор Ўзбекистонга сафаримиз ҳамда самарали меҳнатимиз натижаси ўларок, 1989 йил Парижда “Ўзбек ва рус шоир-лари” (Poetes ouzbeks et russes. – Paris: Gallimard, 1989) номили шеърый алманах нашр этилди. Биз ўшанда олим ва таржи-мон, жаноб Холбековнинг ўзбек ва фран-цуз адабиётларини чуқур билишига амин бўлган эдик”.

Нуктадон олим, таржимон, олий таълим фидойиси ва ёшларнинг меҳрибон устози профессор Муҳаммаджон Холбеков 2020 йил табаррук етмиш ёшида фоний дунё-ни тарк этди. Республикамизда илм-фан ва таълимни юксалтириш йўлида кўплаб шоғирдлар чиқарган, бир қанча моногра-фиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва француз тилидан ўзбек тилига таржи-ма қилган асарлари муаллифи сифатида устознинг ўчмас хотираси биз шоғирдлар қалбидадир.

“Олим ўлмайди, олим ўлса, олам ўла-ди”, деб бежиз айтилмаган. Устозимизнинг берган ўғитлари, қолдирган ижод намуна-лари доимо бизга кўмак беради.

Улжан ҚАРШИБОВЕВА,
филология фанлари доктори,
Самарқанд давлат чет тиллар
институти профессори.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Муҳаммаджон Холбеков таржимашунос олим сифатида республикада танила бошлади. Ўша йилларда унинг профессор Ж.Шарипов, Ғ.Саломов, Н.Владимирова, И.Ғафуров, М.Махмудов, Жамол Камол, Ҳ.Тўрабеков каби адабиётшунос ва таржимонлар билан яқиндан танишгани, баҳс мунозараларда иштирок этгани кейинчалик устознинг олимлик ва таржимонлик фаолиятида муҳим роль ўйнади.

Таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор, Халқаро “Antique World” илмий академиясининг академи-ги Муҳаммаджон Холбеков 1950 йил-нинг 12 сентябрида Пайариқ тумани-даги Деҳқонобод қишлоғида туғилган. Туманидаги 45-ўрта мактабни битириб, Самарқанд давлат университетининг роман-герман филологияси факультети-да таҳсил олган.

1976 йилда М.Ломоносов номида-ги Москва давлат университетида тўрт ойлик малака ошириш курсини тугатгач,

Ўзбек ва француз адабиёти нуктадони

Ўзбекистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институти таржима назарияси ва адабий алоқалар бўлимида профессор Жуманиёз Шарипов илмий раҳбарлигида номзодлик диссертацияси устида изланиш олиб боради.

Диссертацияда олим француз адаби-ётидан ўзбек тилига ўғирилган таржима-лар тарихини тўлиқ ёритиш билан бирга, билвосита ва бевосита таржима қилинган бадий асарларнинг француз-ўзбек тар-жима амалиётида тутган ўрнини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб берган эди. Олим кейинчалик француз адабиётидан ўзбек тилига ўғирилган таржималарга библио-графия тартиб бериб, уни алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди.

1991 йилда Муҳаммаджон Холбеков Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институ-тининг ихтисослашган илмий кенгашида “Ўзбек-француз адабий алоқалари (тар-жима, танқид ва талқин муаммолари)” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳимоядан сўнг жонажон дорил-фунунига қайтиб, забардаст олимлар билан бир жамоада ишлади, “Универ-ситетда академик Ботирхон Валихўжа-ев, профессорлар Нуриддин Шукуров, Сайдулла Мирзаев, Раҳим Муқимов, Раҳматулла Қўнғуров, Назар Ражабов,



Мелиқул Нушаров, Бекмүрод Йўлдошев, А.М.Бушуй, Н.Турниязов, Ҳ.Умаров, Ш.Сафаров, С.Каримов, И.Мирзаев каби олимлар билан ёнма-ён ишлаганимдан фахрлилаб юрардим”, дея жуда мамду-ният билан хотирлаганди устоз ёшлик йилларини.

Профессор Муҳаммаджон Холбеков Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси қошидаги филология йўна-лиши бўйича эксперт кенгаши аъзоси, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги ихтисослашган илмий кен-гашлар аъзоси сифатида фаолият кўрсат-ган.

Устоз 1990-2000 йилларда франция-

Душан ФАЙЗИЙ:

"Кимнидир кутади безовта кўнгил"

Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан бугун самарқандлик ижодкор, журналист ва шоир Душан Файзийни ёслаймиз.

Душан Файзий 1927 йил 5 февралда Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган. Самарқанд давлат университети



филология факультетида тахсил олган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими котиби, вилоят телевидение ва радиозешиттириш кўмитаси раиси, СамДУ проректори, «Имом Бухорий» халқаро хайрия жамғармаси раиси ўринбосари бўлиб ишлаган. «Туғилган куним», «Қалбим сеники», «Наво», «Ёр ҳаёли», «Онаизор», «Буюклик», «Самарқанднома», «Севгилим» каби шеърый тўғламлари нашр этилган. Драматург сифатида «Зарафшон қизи», «Биринчи учрашув», «Келин келди», «Қорасоч», «Ғазал ва муҳаббат», «Ўн етти ёшлилар» ва бошқа сахна асарлари яратган. Ёзувчи ва шоирнинг «Дўстлик қўшиғи», «Асрим монологи», «Ургут қасидаси», «Темурнома» дostonлари ва «Имом ал-Бухорий» шеърый романи бор. Душан Файзий 2009 йилда вафот этган.

ҚУЁШ ПАРЧАСИ

Қафтим узра тутиб қуёш парчасин,
Сенинг қўлларингга узатдим, эркам.
Неки эзгулик бор дилда, барчасин
Сенга бағишладим, сенга фариштам!

Яхши ният ила қабул эт уни,
Бутун борлигингни айлағай равшан.
Ҳасадли кўзлардан асрағай сени,
Пойингда гуллағай бир ажиб гулшан.

Қуёш парчаси деб сенга тутганим,
Саховатга тўла мунис юракдир.
Истикболингга ҳавола этганим,
Қарашларга зор, ўша тилақдир.

Неки эзгулик бор дилда, барчасин
Сенга бағишладим, сенга фариштам!

НЕЧА КУНКИМ

Неча кунким, паришондир ҳаёлим,
Неча кунким, дилим эрур ғаш.
Нахот, бир сўрамадиган, нигоро, ҳолим,
Вужудим ёндирар пинҳоний оташ.

Кимнидир кутади безовта кўнгил,
Кимнидир излайман бўм-бўш хонада.
Изтироб чекади хонамдаги гул,
Тўқилган баргларин қўриб ёнида.

Эшикка жавдираб қарар кўзларим,
Тиқ этса, севинчдан энтиқар юрак.
Баъзида адашиб кетар сўзларим,
Начора, бугун ҳам бўлмади дарак!

Кўзимга тор этиб сўнгсиз дунёни,
Жавонда китоблар туришар қатор.
Тошойна излайди таниш сиймони,
Сукутда турмишдир чанг босган дутор.

Тонг отар, кун ботар – ўтар бугун ҳам,
Ҳар дақиқа менга туюлар бир йил.
Оромимни олимиш ҳасрату алам,
Кимнидир кутади безовта кўнгил.





“ГЕНЕРАЛ РАХИМОВ”



ёхуд қаҳрамонлар қалбимизда яшайди

Машҳур ўзбек саркардаси генерал Собир Раҳимов ҳақида гап кетганида, кўпчилик юртдошларимизнинг кўз ўнгига устоз санъаткор, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Мухаммаджонов сиймоси гавдаланади. Маҳоратли актёр Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган қаҳрамон образини меъёрига етказиб ижро этган. У бу натижага эришиш учун ўзига хос тайёргарлик ва синовлардан ўтганлиги ҳам айтилади. Қуйида миллий театримизнинг улўф дарғаларидан бири - Зикир Мухаммаджоновнинг бу борадаги хотираларини эътиборингизга ҳавола қилишни жоиз деб топдик.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари театримиз жамоаси халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган қатор асарларни сахналаштирган. 1942 йилда Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна”, 1944 йилда Мақсуд Шайхзода-нинг “Жалолиддин Мангуберди” пьесаларини намойиш этганмиз.

Ушанда драматург Комил Яшинни генерал Собир Раҳимовнинг жанговар ҳаёти ҳақида асар ёзиш қизиқтириб қолган эди. У ўз пьесасини театримиз жамоасига ўқиб берди. Асар бизга маъқул бўлди. 1949 йилда режис-

сёр Етим Бобожонов уни сахналаштиришни мўлжаллади. Саҳна безаклари Ўзбекистон халқ рассоми Ҳамидулла Икромовники эди. Роллар тақсим қилинди. Асосий роль Шукур Бурҳоновга топширилди. Мен сиёсий бўлим бошлиғи, полковник Санюк ролини ижро этадиган бўлдим.

Асар 1950 йилда сахнада қўйилганди. Кейинчалик кинорежиссёр Зоҳид Собитов Собир Раҳимов ҳақида фильм яратишга киришганди ва менга бош роль тақдим этилди. Мен генерал ҳаёти ҳақида кўп нарсаларни

билсам ҳам уни яхши билганлар билан учрашиб, суҳбатлар қилдим. Янглишмасам, Собир Раҳимов билан 1944 йили учрашганмиз. Мен у кишига ўхшамаслигини билар эдим. Яна ўзимга тасалли берар эдимки, театрда шу ролни ижро этган Шукур Бурҳонов ҳам ташқи қиёфада унга сира ўхшамас эди.

Собир Раҳимовни кўрган-билганларнинг суҳбатларидан менга энг кўп ёрдами теккани Тамарахоним ва Гавҳархоним билан бўлиб ўтган мулоқот эди. Уларга кўра, генерал Раҳимов нихоятда вазмин одам бўлган. У

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йилигига

оддий аскарларга доимо ғамхўр бўлган. Унда соддалик, самимийлик устун бўлган. Ўзбекистон тарихи музейидан генералнинг кийимидан бўлак ҳеч қандай архив ҳужжатлари топа олмаганман.

Очиғи, мен унинг қариндошларидан ҳам генерал ҳақида дуруст маълумот ололмаганман. Аммо ролни қандай ижро қилиш ҳақида Шукур Бурҳоновдан оқ фотиҳа олгани борганимда, у киши: “Рухингда иккинчи план сезилиб турсин”, деди. Мен ўзимча ролга отланар эканман, буни Ватанни ҳимоя қилиш дарди руҳимда билиниб турмоғи керак деб тушундим. Икки устознинг икки сўзи доим қўлоғимда жаранглайди. Бундан бирини юқорида зикр этган бўлсам, иккинчиси, Аброр Ҳидоятовнинг “киндикдан гапир”, жумласидир.

Биз 1967 йилнинг 25 июнида Тошкентдан Ригага учдик. Суратга олишимиз зарур бўлган Ригадан 100 километр масофадаги шахарча – Цесис деган жойга бордик. Мен генерал Собир Раҳимовнинг отга муносабатини кўрсатиш лавҳасига қизиқиб қолган эдим. Албатта, бу лавҳани Иккинчи жаҳон уруши жараёнида кўрсатиб бўлмас эди-ю, лекин генералнинг отлик армияда хизмат қилганлигини кўрсатиш жоиз эди. Собитов ҳам генералнинг от билан бўладиган сахнасини кўрсатишни кўп ўйлаб кўрди. Ҳатто бунинг учун Тошкентдан от ҳам олиб борилган эди. Ҳаво юришиб кетиши билан мени бир хонадонга кўчиришди. Отни ҳам ўша ерга олиб боришди-да, от билан машқ қилишни, унга қараб туришни ўзимга топширишди. Мен, албатта, бундан нихоятда хурсанд бўлдим.

Ўша йиллари Цесисда ҳарбийлар кўп эди. Генерал формасида биринчи кун кўчага чиқар эканман, ҳаёлим қочганиданми ёки генерал формасидалигини унутганимданми, рўпарамдан келаётган оддий аскарга “честь” бериб ўтибман. Модомики, генерал бўлганимдан кейин уставга риоя қилиб, мен эмас, у честь бериб ўтиши керак эди. Шундай қўнларнинг бирида ҳақиқий генералга ҳам дуч келиб қолганман. Генерал бўлганда ҳам унвони меникидан юқори, яъни генерал-лейтенант эди. Нима бўлса, бўлар деб,

унга рўбарў келганда честь бериб, саломлашиб ўтдим. Яхшиям тўхтатиб, ҳужжат сўраб қолмаганига шукур қилар эдим.

Вазият одамнинг руҳини ўзгартиради, деганлари рост экан. Саҳна санъатида ҳам шундай қоида бор. Мен ўзимни генерал деб ҳис қиладиган бўлиб қолган эдим. Собитовнинг энди суратга олишни бошласа бўлади, деб оператор Травицкийга шивирлаганини эшитиб, ич-ичимдан қувонгандим. Энг оғир оммавий сахналарни суратга олиш мўлжалланди. Очиғини айтганда, бу фильмда енгил сахналарнинг ўзи йўқ эди.

Бир кўринишда жанг майдонида ерлар портлаши, генерал эса ўз комиссари билан автомобилда шу ўт ичидан ўтиши керак. Бунда портловчи моддалар ишлатилади. Улар эса одамни жароҳатлаши мумкин. Шу боис портловчи моддалар кўмилган жойлар аниқланиб, машина ҳайдовчиларига уларни босиб ўтмаслик ўқтирилди. Ҳар эҳтиомлга қарши ҳайдовчининг ўзи у ердан машинада бир неча бор ўтди. Охирида режиссёр Зоҳид Собитовнинг ўзи ўша машинада ўтиб кўрди.

Бу фильмда суратга олиш лозим бўлган ҳамма лавҳалар бири-биридан қийин эди. Зеро, жангда ҳам ғалаба осонликча қўлга киритилмайди. Шунини ишонarli акс эттириш-ни элай олмасанг, фильм олишга уринмай қўяқол, дер эди Собитов.

Кинофильмда дивизия қамалдалигидан Раҳимовнинг Фрике билан учрашгани кўрсатилади. Шунда Фрике: “Биз Тошкентда бўламиз”, дейди. Менинг кўзларим чакнаб кетади. “Наҳотки халқим қўллик-ка маҳқум”, деган ҳаёл миямга урилади. Ва, бир оз ўзимни босиб олгач, “Жўжани кузда санайдилар!”, деб хитоб қиламан. Фильм тайёр бўлиб, халқимизга намоиш қилинганда, мени кўчада учратганлар “Жўжани кузда санаймиз!”, деб қўйишарди. Шунда мен ич-ичимдан фильмда бутун халқимизнинг ватанпарварлик туйғуси акс этганини сезардим. Чиндан ҳам биз ўз қаҳрамонларимиз билан фахрланасак арзийди.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Оқтепа сойнинг фахри

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

Жўра Қорақуловни юртдошлари шундай эслашади

Жўра Қорақулов Қўшрабoт (ўша пайтда Митан) туманининг Булоқ қишлоғида оддий оилада туғилиб ўсган. Болалигидан ҳаётнинг оғир зарбаларига дуч келиб, қийинчилик кўрган, суяги меҳнатда қотган. Отаси давр кўрбони бўлиб, “қўлоқ” қилинганч, уни онаси оқ ювиб-оқ таради. Жўра болалигидан колхоз далаларида меҳнат қилди, ҳаётнинг паст-баландини кўрди. 17 ёшга тўлганида унга колхознинг ҳисоб-китоби ишониб топширилди. Аммо орадан икки йил ўтгач, 1939 йилда уни онасининг ёлғиз қаровчиси эканлигига ҳам қараб ўтирмай ҳарбий хизматга қақаришди. Бу хизмат кейинчалик, уруш бошланганч, фронтда давом этди.

У биринчи маротаба Беларусия тупроғида душман билан юзма-юз келди. Бу пайтда Жўра анча-мунча ҳарбий кўникмага эга, ҳатто, кичик сержант унвонига эга аскар эди. Жангларда кўрсатган мардлиги ва жасурлиги билан эътиборга тушди, мураккаб вазифаларни унга ишониб топширишарди. 1942 йилда жангларда кўрсатган жасорати учун иккинчи даражали “Улуғ ватан уруши” ва “Шуҳрат”орденлари билан тақдирланди.

Мен Жўра аканинг 1943 йилда Днепр дарёсини кечиб ўтишда кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида кўп эшитганман. Ушанда у сафдош дўстлари билан душман томонга разведкага бораётганда улар ўтирган қайикни немислар сезиб қолиб, пулемёт ва тўплардан ўққа тутган. Жўра ака ва омон қолган дўстлари ортга қайтмасдан, қирғоққача сузиб бориб, душман жойлашган нуктага греналар улоқтиради ва уларни чекинишга мажбур қилади. Бу жангдан сўнг Жўра Қорақулов “Ленин” ордени билан



тақдирланди ва унга старшина унвони берилади.

Жасур жангчи 1945 йил январда Польшада кечган жанглардан бирида оғир жароҳат олиб, госпиталга тушади. Узоқ даволанса-да яна фронтга қайтишига рухсат берилмаганч, қишлоғига қайтиб келади.

Кўксини қатор-қатор орден ва медаллар безаган Жўра Қорақуловни

қишлоқдошлари тантана билан қутиб олишади. Бу тадбирда туман раҳбари Мурод Жўраев қатнашиб қаҳрамонни табриқлайди. Кейинчалик Жўра ака ва Мурод Жўраев жуда қадрдон бўлиб кетишади, тез-тез кўришиб туришган.

Жўра ака урушдан кейин Оқтепа сойда совхозда ишлади, кўп йиллар ғаллачилик биргадасига етакчилик қилди. Қишлоқ оқсоқоли сифатида хууддаги қурилиш-бунёдкорлик ишларига бош бўлди, элнинг тўй-маърақаси у кишисиз ўтмасди.

Қаҳраонимизнинг турмуш ўртоғи Муқаддам ая ҳаётлик пайтида Жўра ака билан боғлиқ кўп ибратли ҳикояларни айтиб берарди. Катта қизлари уйли-жойли бўлиб кетганлиги, ўғли Умрзоқжон шифокор бўлиб, Қўшрабoт тумани марказий шифохонасида ишлаётганидан, одамлар дардига дармон бўлаётганидан фахрланиб гапирарди. Муқаддам ая бир гал суҳбатимизда турмуш ўртоғи урушда жасорат кўрсатиб, юксак орденлар олган бўлса-да, собиқ иттифоқ даврида унинг номи абадийлаштирилмаганидан ўқиниб гапирганди.

– Қани энди 11-мактаб биноси олдидами, Хонназар маҳалласи ёнидами, оддий бўлса ҳам битта бюст ўрнатилса ёки бирор кўчага турмуш ўртоғимнинг номи берилса, яна кўп йиллар уни эслаб юришармиди, – деганди Муқаддам ая.

Назаримда ҳали ҳам кеч эмас, бугунги фаровон қўнар учун жонини аямай қаҳрамонлик кўрсатган Жўра Қорақулов сингари боболаримиз номини абадийлаштириш ҳақида ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди.

Тешабой БОБОҚУЛОВ,
меҳнат фаҳрийси.

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида географлар мактабининг довруғи узоқ-узоқларга тарқалган. Географлар жамоасининг истиқболи учун умрини фидо қилган олимлардан бири профессор Мардон Умаровдир.

Самарқанд география мактабининг асосчиси

Устоз ўзининг қисқа, сермахсул умри давомида машаққатли даврни бошдан кечирди. У 1927 йилнинг 10 февралда Хатирчи туманининг Олтинсой қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Унинг ёшлиғи сўронли йилларга тўғри келган бўлса-да, мактабни аъло баҳоларга тугатди. 1949 йилда Ўзбекистон давлат университетининг (ҳозирги СамДУ) геология-география факультетига ўқишга кирди. Университетни аъло баҳоларга тугатганч, жамоа аъзолари уни кафедрада ишлашга таклиф қилди. Шундан сўнг М.Умаровнинг илмий ишга бўлган иштиёқи янада кучайди. Дастлаб у география илмини чуқур ўрганиш мақсадида Москва давлат университетининг табиий география кафедрасига аспирантурага ўқишга юборилди.

Аспирантурада ўқиш даврида Москва давлат университетининг йирик олимларидан табиий география ҳамда ландшафтшуносликка оид билимларни ўзлаштирди. Шу давр мобайнида жанубий-ғарбий Ўзбекистон ва Зарафшон воҳасининг юқори, ўрта ва қуйи қисмларига қўллаб илмий экспедициялар уюштирди. Ана шу тадқиқотлар натижаси ўлароқ аспирантуранинг тугатishi арафасида “Қуйи Зарафшоннинг табиий ресурслари ва улардан рационал фойдаланиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўша йилдан бошлаб домининг Самарқанд давлат университетига илмий педагогик фаолияти бошланди. Дастлаб табиий география кафедрасида ассистент, сўнгра шу кафедра доценти, бироз вақт ўтгач, кафедра мудири лавозимида фаолият юритди. 1966 йил 24 мартда М.Умаровнинг ташаббуси билан университетдаги геология-география сўнгра тарих-география, биология-география факультетларидан география бўлими алоҳида факультет бўлиб ажралиб чиқди. Мардон Умаров ушбу факультетнинг биринчи декани этиб тайинланди.

М.Умаровнинг 150 дан ортиқ илмий мақолалари,



аҳамиятини йўқотган эмас. М.Умаров томонидан 1980 йилда чоп этилган “Самарқанд области географияси” ўқув қўлланмаси вилоят ҳақидаги биринчи жиддий иш ҳисобланади. Олимнинг “Умумий ер билими” (1982) ўқув қўлланмаси олий ўқув юртларининг география факультети талабалари учун мўлжалланган бўлиб, бу қўлланма бошқа шу номдаги қўлланмалардан географик билимларнинг ривожланиш босқичларида Геродот, Аристотель, Эротосфен, Страбон, Птоломей, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Бобур каби қомусий билим соҳибларининг қўшган ҳиссасини чуқур ёритиб берганлиги билан ажралиб туради.

М.Умаров ёш авлодни илм нури билан уйғотмоқни умрининг мазмуни, яшашнинг мақсади деб билди. Домланинг география фани учун қилган хизматлари Ватанимиз илмий жамоатчилигига яхши маълум.

Устознинг изидан илмий изланишлар олиб бораётган биз, шоғирдлари унинг порлоқ хотирасини ҳеч қачон унутмаймиз.

Субхон АББАСОВ,
Самарқанд давлат университети проректори.
Алиқул РАВШАНОВ,
география ва экология факультети декани.

MATBUOT UYI

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 14 900 nusxada chop etildi. Buyurtma 223. Hajmi 3 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

X.ERNAZAROVA.

Sahifalovchi:


B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

Gazetaning navbatdagi soni 2025–yil 13-may, seshanba kuni chop etiladi.

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda